

Мавлоно Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий ҳазратлари ҳақида маълумот



14:23 / 14.12.2025 12777

Мавлоно Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий ҳазратлари 1953 йили Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбидаги Панжоб вилоятида таваллуд топганлар.

Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий ҳазратлари илк диний таълимни падари бузрукворлари ҳамда акаларидан олганлар. Қуръони Каримни тўлиқ ёд олганлар, Ҳадисга доир илмни **"Жомия реҳмания жаҳания мандий"** тасаввуф мактабида, Мўлтондаги **"Жомия улумия"** мадрасаларида ўрганганлар, **ҳазрати Ҳожи Фулом Ҳабибнинг** ҳузурида илм олганлар.

1967-71 йиллари Панжоб дорилфунунини тамомлаганлар, 1976 йили муҳандислик ихтисослигида ҳам таҳсил олиб, Покистоннинг нуфузли sanoat корхоналарида ҳам ишлаганлар.

Шайх Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий ҳазратлари тасаввуф пешволаридан бўлиб, етмишдан ортиқ мамлакатларда набавий суннатни татбиқ қилиш борасида илмий-маърифий фаолият олиб борганлар, кўплаб асарлари чоп этилган.

Шайх Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий ҳазратлари Покистоннинг Лаҳор шаҳридаги **"Ал-Фақир"** номли маъҳаднинг ректори лавозимида хизмат қилиб келаётган эдилар.

